

ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

12 МАЙ, ПАЙШАНБА. № 92 (840). Сотувда эркин нархда. 1994 йил

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БҲКА ТУМАНИ МЕХНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар! Сизларни Бўка тумани ташкил этилганининг 50 йиллиги билан самимий табриклайман.

қимизнинг ушалаётган ору-умидлари билан уйғунлашиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.



Учқўриқ туманидаги Охубобов жамоа хўжалиги пахтакор деҳқонлари бу йил 900 гектар майдонда...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙУЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА

- List of names and titles of honored employees of the national airline, including Androsov Anatolii, Anisimov Vyacheslav, and others.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТУҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА, ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА ВА ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА УЗГАРТИШЛАР ВА ҚУШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ: Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилиши:

ЯНГИ ИШ ҲИСОБИ ОЧИЛДИ

ҚАРШИ ғўшт комбинати ҳисдорлик жамиятига айлантирилган, бу ерда янги иш ўринлари барпо этиш, кўйлаб халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш имкониятлари очилди.

Иқтисодиёт қирралари ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ШАРОФАТИ

туфайли Жомбой доғ маҳсулотлари комбинатига 150 икки ўринли қисқартирувчи учур широт яратилди. Шунинг учун ҳам икки йил аввал директор вазифасига тайинланган Рустам Аҳмедов биринчи кунлардан охири комбинатдаги ускуналарни янгилаш ишлари бош қотиридан бошлади.

ёриланган жиҳозлар ўрнатилди. Энди цехлардаги муътадил ҳаво ишчиларга унумли меҳнат қилиш имконини берапти. Улар озода, чангдан ҳоли.

ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

ХОНАТЛАС СЕРОБ БУЛАДИ ОЛТИНКУЛ туман матлубот жамияти ҳузурда хонатлас пехи ишта тушди. Уй бекалари ва мактабни битириб ишсиз юрган қизлар индиликда чиройли газлама ишлаб чиқаришпти.

МАШИНСОЗЛАРИНИНГ ЯНГИ МАХСУЛОТИ

НАМАНГАН машинасозлик заводида газ ва нефть қувурларида ишлатиладиган сурма кланпанларнинг янги турларини тайёрладиган махсус бўлим тузилди.

ШИФОВАХШ ГИЕХЛАР ЕТИШТИРИЛАДИ

Қўшрабат туманида Самарқанд вилоят ўрмон хўжалиги бошқармасига қарашли янги «Фозилсон» давлат хўжалиги ташкил этилди.

ЧОРВА ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

Самарқанд вилоятидаги Ф. Қосимов номида жамоа хўжалиги асосан чорвачилик ва мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган.

МУСТАҚИЛ ФАБРИКА

1991 йили Булқобон туманида Андиқон пойабзали ишлаб чиқариш фабрикасининг филиали иш бошлаган эди.

• Мухбиримиз бонн уради

ПАХТАКОР ТУМАНИДАГИ ФЕРМЕРЛАР НЕГА ОВОРА-Ю САРСОН БЎЛИШЯПТИ?

ФЕРМЕР хўжаликлари қанчалик кўп ва бақуват бўлса, юрт ҳам шунчалик оқиб бўлади, деган эди республикамиз Президент Ислам Каримов шу йил 18 февралда Вазирлар Мақомада бўлиб ўтган йилгида. Хўш, шундай экан жойларда деҳқон (фермер) хўжаликлари тузили, уларнинг маънафатларини ҳимоя қилиш борасида инималар қилинди? Бу жараёни Пахтакор тумани мисолида юз ўтказиб қарамоқчи бўлсак, дастлабки эришилган натижа қаторида ҳали кўплаб камчилик ва нуқсонлар борлиги кўзга ташланади.

фермерларни айбдор десак ҳам хато қилган бўламиз. Мазкур жамоа хўжалиги аъзоси фермер Тамара Ашурова икки йилдан бери хўжалик билан шартнома тўзлаётганини айтиди ва буни етарли далиллар билан исботлаб берди:

— Молини бозордан қиммат нархда оламан, парвартиш қиламан, тагини тозалайман. Хўллас неки эйеълашам бўлса, ўзим гирифтор. Шундай экан, маҳсулот таннахрини мен белгилашим, ўз эҳтиёжим, талабим доirasида сотишим керак. Лекин хўжалик буни қўймайди. Унинг ўзи менинг маҳсулотимга нарх белгилайди. Бу нарх эса харажатларимга урвоқ бўлмайди. Шу сабабдан гўшт ва туҳумни бозорда сотаялман. Ерга келадиган бўлсак, ўтган йили макка экиб ўзимизни ем билан таъминладик, ортиб қолганини паррандачилик фабрикасига топшириб, эвазига товуқ олдик.

вофиқ техника, ёнилғи-мойлаш ва қурилиш анёлари, қорамоллар, асбоб-ускуналар ва механизация воситалари сотиб олиш учун мулкни гаровга қўйиш йўли билан 10 йил муддатга чекланмаган миқдорда, ёки маҳсулдор эгали моллар сотиб олиш учун қамда 5 йилга имтиёзли кредитлар бериш талабларини ҳали бажаргани йўқ.

Шу кунгача туманда 57 та деҳқон (фермер) хўжалиги тузилган эди. Шароит йўқлиги, хўжалик раҳбарлари томонидан шартнома талаблари бузилиб, ем-хашак тақислиги, ер бермаслиги, суғурта идоралари ва банк хизматидаги баъзи нуқсонлар туфайли 7 нафар ишбилармон ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

Лекин деҳқон (фермер) хўжаликларининг барчасида ҳам иш қўнғилдагидай кетяпти, деб бўлмайди. «Самарқанд» ижара-ширкат уюшмасидаги Абдукарим Тўрабоев сардорлик қилаётган «Тулпор» деҳқон (фермер) хўжалиги фаолиятда бир мунча камчиликлар кўзга ташланади. Хусусан, хўжаликка берилган 59 гектар ер умуман қаровсиз аҳволда қолди. 55 та йилчи боқилишига қарамай, йил давомида атиги бир тонна гўшт топширилди. Еки Акмал Икромов номили хўжаликлардан Асхад Ашуровнинг фермер жамоасини олиб қўрайлик. Хўжалигининг 20 гектар ери, 15 қорамоли, 25 қўча, 100 та товуғи бор. Лекин кўрсаткичлари ниҳоятда паст. Масалан, 100 та товуғи бор хўжалик йил давомида атиги 800 та туҳум топширган. Бироқ, қарс икки қўздан, деганларидек, бу борада фақат

Фермерлар олдидаги яна бир тўсиқ — банкдан кредит олиш жараёнида содир бўлмоқда. «Ўзтадбиркорбанк»нинг туман бўлими бошқарувчиси Х. Улуғмуродова «Чорвачиликда ислотхотларни тақомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар маънафатларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Вазирлар Мақома-си қарорининг 6-бандига му-

вофиқ техника, ёнилғи-мойлаш ва қурилиш анёлари, қорамоллар, асбоб-ускуналар ва механизация воситалари сотиб олиш учун мулкни гаровга қўйиш йўли билан 10 йил муддатга чекланмаган миқдорда, ёки маҳсулдор эгали моллар сотиб олиш учун қамда 5 йилга имтиёзли кредитлар бериш талабларини ҳали бажаргани йўқ.

Шунингдек, туманда фермер (деҳқон) хўжаликлари-га ер беришдаги баъзи бир нуқсонлар ҳам кўплаб машамаларга сабаб бўлаётди. Масалан, Акмал Икромов фуқаролар йиғини «Ашуров ўғли» фермер хўжалигини аҳоли яшаш жойидан кўчаришни ёки фаолиятини тўхтатишни талаб қилиб, маҳсул қарор чиқарди. Сабаб — одамлар яшайдиган жойда молхона, чўчақона, товуқхонанинг бўлиши аҳоли саломатлигига катта зарар етказар экан. Бу тўғрисида талаб. Лекин қишлоқ четидан яна молхона ва товуқхона қуриш учун фермерга ким ердан беради? Ахир бунча иш тўғрисида қарор билан битиб қолмайди-ку! Бу борада туман ҳокимлиги, туман деҳқончилик-сановат уюшмаси ва хўжалик раҳбари нега шу пайтгача ўйлаб қўрмади экан?...

2,4 фоизли бизнинг тегишимизни нақд ўтказ» дейишди. Ҳали чўнтаги бўм-бўш фермер бу маблағни қардан олсин?...

Фермерлар — бағунги жамиятнинг энг фаул аъзоси, фаолига эмас, энг ишончли аъзоси. Бу ҳақиқат раҳбарлар ўнг қўлига билан ҳам, чап қўлига билан ҳам эшитиб олсин, — деган эди мамлакатимиз Президентини. — Агар керак бўлса, айрим хўжалик раҳбарлари иш юритишни фермер халқидан ўрганисин.



ХУКУМАТ ШУНДАЙ ҚАРОРГА КЕЛДИ

Франция ҳукумати Чернобыль атом электр станциясини ёпиш учун ҳаракатга Европа иттифоқида аъзо давлатларни жалб этмоқчи. Мамлакатнинг атом-муҳитини муҳофаза қилиш вазир Мишель Барнье қўнғилда Украинада бўлиб, у ердаги экологик аҳвол билан танишган эди. У Чернобылдаги вазиет билан ўз ҳукумати раҳбариятини огоҳ этганидан сўнг, мазкур қарорга келинди.

АЙРИМ ҚУРОЛЛАРИНИ СОТИШ ТАЪБИҚЛАНДИ

Америка Қўшма Штатлари конгрессининг сенатда энг ҳафтли ўт олувчи қуролларни тарқатмаслиги ҳақидаги масала овозга қўйилди. Натияжада 19 турдаги қуролини ишлаб чиқариш ва сотиш тақиқланди. Лекин америкаликлар аввалгидек ов ва спорт милитқлари, қарабин ҳамда тўпона каби 650 турдаги қуроллардан истаганини сотиб олишлари мумкин.

БОШ ВАЗИР ОЛМОНЯДА

Япония ҳукумати раҳбари Цутому Хата ГФРга келди. Янги Бош вазир таширф давомида Германия ҳукумати раҳбарини билан икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш учун музокаралар ўтказди. Бундан ташқари, Цутому Хата Япония ва Европа иттифоқи ўртасида алоқа ўрнатишга доир масалани ҳам муҳокама қилиш ниятида.

ЖОСУС ФОШ ҚИЛИНДИ

Америка Қўшма Штатлари Марказий разведка бошқармасининг собиқ ҳодими Олдрич Эймс тўғрисида йил давомида АҚШга қарши жосуслик ишлари билан шугулланганини бўйинга олди. У Совет разведкаси билан ҳамкорлигининг айрим тафсилотларини фойдаланган.

БИР ОЙ МУХЛАТ КИФО

Япония қисқа фурсатда кучли ядровий мамлакатга айлишни мумкинлигини айрим Ғарб давлатлари раҳбарлари жаҳон жамоатчилигидан сир тутишга уривмоқчи-лар. Ваҳоланки, атом бомбаси яратилш учун Япония бир ой муҳлат кифой қилади. Корея Халқ Демократик Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига таратишга расмий ҳужжатда ана шулар хусусида сўз боради.

МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ

Монголия бош вазир Пунцагийн Жасрай ва бу ерда меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пан ўртасида музокаралар бошланди. Монголия билан Хитой ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, шунингдек, долзарб халқаро муаммолар муҳокама қилинади.

ИСЛОМОБОД — ПРЕТОРИЯ МУНОСАБАТЛАР ЯХШИЛАНМОҚДА

Покистон Ислам Республикаси Жанубий Африка давлатини таъ олганини ва Преториядаги Покистон ваколатхонасига эълоннома мақоми берилишини эълон қилди. Мамлакат ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида Жанубий Африка Республикаси билан тўла дипломатик муносабатлар ўрнатишга тайёргарлик қўраётгани ҳам айтилган.

ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛДАН СЎНГ

Куба давлати ўтган 35 йил мобайнида биринчи бор америкалик иқтисодчилар гуруҳини қабул қилмоқда. Нью-Йоркдаги Колумбия университетининг профессорлари ва битирувчиларидан иборат мутоахассислар 10 кун давомида мамлакат иқтисоди билан танишди, турли вазирлар билан учрашувлар ўтказди. Улар Фидел Кастро қабулига бўлиши ҳам мумкин.

ЯРАШУВ ЙЎЛЛАРИ ИЗЛАНЯПТИ

Афғонистон Республикаси Президентини Бурхониддин Раббоний билан бош вазир Гулбиддин Хикматёр тарафдорлари ўртасида бўлиб ўтган тўн ошмаларида қобул бўлди. 70 дан ортқ киши ярадор бўлди.

Шу муносабат билан Афғонистон ҳукуматининг навобатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ўзаро ярашув жараёнини ташлаштириш йўллари кўриб чиқилди.

ҲАРБИИ КИЙИМНИ КОСТЮМГА АЛМАШТИРДИ

Фарабунда Марти номидаги миллий овоздик фронтни командирларий ҳарбий кийимларини костюмларга алмаштириб, биринчи марта Сальвадор ҳукуматининг парламент мажлисида қатнаша бошладилар.

Матълумки, миллий овоздик фронтни тинчлик ҳақидаги шартномани имзолашга, сиёсий партияга айланган эди. 20 марта ўтказилган умумий сайлов натижасига қўра, мазкур партия 21 депутатлик мандатини қўлга киритиб, янги парламентда иккинчи йирик фракцияга айланди.

МИЛЛИЙ БОҒДА ЕНҒИН

Америка Қўшма Штатларининг Аризона штатидаги миллий боғда ёниш чиқди. Олов юк машинасининг мотори аланга олиши туфайли тарқалди. Натияжада 600 гектар майдондаги дон-дароқ қуйиб битди. Боғ раҳбарияти ҳозирча табиий бойликка етган зарар миқдорини ҳисоблаб олгани йўқ.

ҚОҶИН ШЕРГА ЕМ БЎЛДИ

Жанубий Африка Республикасининг Крюген миллий боғида шер моэабиклик қоҶин қисмаси еб қўйди. Бу қўнғил саёҳатлардан бири қўриб қолган ва полицияга хабар берган. Одамхўр шер оти ўлдирилди. Боғ ҳокимининг айтишича, йиртқич хайвонга ем бўлган қисма Мозамбикдаги фуқаролар уруши туфайли ушбу қангларда яширилган минглаб қочқинлардан бири экан.

Хозир туманда 50 та деҳқон (фермер) хўжалиги маъжуд. Улар қарамоғида 1131 бош қорамол (жумладан, 260 саринг сизир), 1047 қўча, 123 йилчи, 25 қўча, 100 та товуқ маъжуд бўлиб, уларнинг эҳтиёжларидан ташқари давлатга ҳам шартнома асосида маҳсулот топширишни уудлаяпти. Айниса, тумандаги Зафар Ҳисомиддинов, Т. Мирзабеков, Бердибек Абдукаримов, Бахтиёр Файзиев бошлик деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолияти таҳсинга лойиқ.

Бундай ўйлаб қарасангиз, Тамаранинг гапида жон бор. Қарорларда кўрсатилганидек, фермер ўзи етиштирган маҳсулотини эркин нархда сотиши керак. Лекин бу қонда амалга ошмагга-

сиқхона ташкил этиб, шу йилнинг ўзида 8 миллион сўмлик даромад қилди. Қорамоллар сонини 10 бошдан 30 бошга етказди. Бундан ташқари, 12 бош «Қорабай» зотли отни парвартиш-лашни йўлга қўйди, балиқчилик хўжалиги ташкил этилди. Яқинда эса 2 гектарлик янги иссиқхона ишга туширилди. Бу ерда атиргул ўстирилди, ундан эфир ёғи олиш режалаштирилган. Шу мақсадда Франция ишбилармонлари билан шартнома тузилди. Келгусида мазкур хўжаликда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар дўконларда сотилади.

Иккинчи ўрин, яъни 30 миллион сўмлик фоизсиз кредитга шаҳрисабзлик Қўча Жовлиев сазовор бўлди. Хозир унинг қарамоғида 1,5 гектарлик мевали боғ, 15 бош сизир, 105 бош қўй ва ҳайдов трактори маъжуд. Бу фермернинг эътиборини тортатиган жиҳати шундаки, у аҳоли ўта зич яшайдиган жойда хўжалик юртияпти. Дастлаб унга 15 гектар ташландиқ ер берилганди. Тадбиркор жами майдонини эпакка келтириб, механик усулда — сув парраги ёрдамида сугоритини йўлга қўйди. Ҳар қарич ердан умумий фойдаланиш мақсадида ўтган йили ариқ-зовурлар-



Республикамизда кенг қулоч ёйган иқтисодий ислохотлар юртизмизнинг чекка қишлоқларига етиб борди. Фаргона вилояти, Ўзбекистон туманидаги «Ганнобод» ширкатлар уюшмаси фермери Кимсанбой Ваҳобов ҳам бу оламшумул ислохотдан руҳланиб паррандачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этган эди. Айниса кунда унинг фермасида 1500 та товуқ парвариш қилинмоқда. Фермернинг мақсади йил охиригача товуқлар сонини ўн мингга етказиб, аҳолининг парранда гўштига бўлган эҳтиёжини қондириш.

СУРАТДА: фермер Кимсанбой Ваҳобов. Тохиржон ҚАМРОҶУЛ олган сурат.

Қишлоқда ислохот қандай кечмоқда? «БИЗДА ҲЕЧ ҚАНАҚА КИЧИК КОРХОНА ҲАМ, ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ҲАМ ЙЎҚ»

ТУҒРИСИ, Жондор туманидаги «Анджон» давлат ижара хўжалиги директори Шоғурод Ашуровдан бу гапни эшитиб, ҳайрон бўлдим. Наҳотки, республикамизда кеҳаттан иқтисодий ислохотларнинг «анджон»ликларга алоқаси бўлмаб? Олдинга буни ҳазилга ҳам йўйдик. Лекин аниқ маълумотлар билан танишиб чиқам...

қидек, жон койитмасди. Ерларнинг ижарага берилиши эса вазиетини бутунлай ўзгартириб юборди. Хозир ҳар бир харажат ҳисобда. Ишчиларда хўжайинлик туйғуси, қолаверса, масъулият ҳам қучаяётди. Энг асосийси — давлат қарзимизни кечиб юборади, деган хаёл барҳам топди. Янги кунлар ичида хўжаликда маҳсулотни қайта ишлайдиган цехлар, кичик корхоналар, фермер хўжаликлари ташкил этиш ниятида.

ЛУҚМА БЕКАТИНИНГ ЭГАСИ БОРМИ?

Эрта тонгда вагон назоратчисининг «Тошкентга етиб келишим, деган хабарини эшитиб, сизниқ ойналардан кирган изириги забтидан кийимларимиз намчил чойшабага ўраниб жонимдан аранг бош кўтараман. Вагон одам қўнғилтида танига ташласанг ҳам ерга тўшмайдиган аҳволда. Поезддан бир нави тушиб олган, ва бирор шёба сув топа оласиз ва ва бирор егулик. Тўғри, қўлобла ошпазлар таёёрлаган турли овқат ҳисси-совуқ чой йўқ эмас. Бироқ қай йўсин таёрлагани қай йўсин таёрлагани аён. Яна бир гап. Пешторига «М» ва «Н»

деб ёзилган хонага майда пулнингиз бўлмаса, янғилча кўрманг, овора бўласиз... Ҳазинадонини сизнинг аҳолинингиздан кўра пул ундириш кўпроқ қизиқтиради. У ерда ўйлаб тартиб сақловчилар бўлса-да, музқаймоқ қозғолари, семична пўчоқларию ҳар хил чиндиқлар шўбеқатни хароб аҳволга келтириб қўйгандай. Чипта олиш эса янада оғир. Уч-тўрт соат навобат турусангиз ҳам навобат сизирақлашмайди. Талаба башара йиғитлар қайта-қайта чипта олаверяпти. Уларга ҳужжат бериб турувчилар ҳам бисёр. Тўғри, поезде чипталарини фақат ҳужжатлар билан сотиладиган қилиб қўйишди. Аслида эса поездеда бирор қисма йўқни, сизнинг чиптангиз ва ҳужжатиңизни теширса. Навбатнингиз келар келмас, касса беркитялиб, «чипта йўқ», деган ёзув лайдю бўлади. Сиздан олдин чипта олган талабани янғилдан қишлоқиниғизга қайтиш чиптасини икки-уч баробар қимматга олган, баранаси ушб кетган ҳамнингизни бағриниғизга босиб шаҳар айланган ошмасида Бенхтнёр хураанд бўлиб қўясиз: «Халонинг текинигиға ҳам шўкур-е».

Жўра ТўХТАЕВ Қарши шаҳри.

«Мурод-2» ғолиб чиқди

Бундан икки ой аввал Кички ва ўрта тадбиркорлиқни ривожлантиришга кўмаклашувчи республика жамғармаси, «Ипак йўли» банки ва Телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда жумхурият тадбиркорлари ўртасида кўрик-танлов эълон қилинган эди. Яқинда Тошкент вилояти Заңгота туманидаги Фуқрат Мелиқулов бошлиқ «Мурод-2» фермер хўжалигида унга яқин эсалди.

Хўш, қайси тадбиркорлар ғолиб деб топилди? Улар қандай ишлари билан ана шу ҳуқуқни қўлга киритишди? Умуман, бундай талловни ўтказишдан мақсад нима эди? «Биз ушбу саволларга аниқлик киритиш ниятида Кички ва ўрта тадбиркорлиқни ривожлантиришга кўмаклашувчи республика жамғармаси бош директори Абзал Азизова муурожаат этдик. — Кўрик-танлов эълон қилинганда, унда иштирок этиш истагани билдирган кўплай ишбилармонлардан хатлар олдик, — деди у. — Кейин биз жойларда бўлиб, уларнинг иш фаолияти билан танишдик. Ниҳоят, 261 нафар тадбиркорга талловда қатнашишга руҳсатнома берилди.

Конкурсимизнинг шартларига қўра, бўлажак ғолибларнинг иш фаолияти ва иштироб режалари бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бериши шарт эди. Ҳайрат аъзолари шу асосда уч тадбиркорни ғолиб деб топди. Биринчи ўрин — 50 миллион сўмлик фоизсиз кредит Заңгота туманидаги «Мурод-2» фермер хўжалигига берилди. Мазкур хўжалик бошқарувчиси Фуқрат Мелиқулов ўтган йили 6 гектар ер олганди. У қисқа муддат ичида бир гектарлик ис-

нинг четига 8 минг туп терак қўчат ўтказганди. Айна кўнларда ниҳоллар бавраб ўсайпти. Шунингдек, Қўрабод 110 бош қўйга мулкланган қўра ва 54 бош қорамол парвариланадиган бийовни ўз хисобидан қўриб битказди. Хўжалик ўтган йили 1 миллион 140 минг сўм даромад қилган бўлса, бу йил ана шу қўрсаткич 16 миллион сўмга етказилди.

Тошкент туманидаги «АВР» ҳуқуқий фирмаси унинг муқофотга лойиқ деб топилди. Унинг соҳиби — Баҳром Обидовта 20 миллион сўмлик фоизсиз кредит топширилди. Ушбу хўжаликда паррандачилик билан бир қаторда «Махсар» ўсимлигини ер ва чорва моллари учун ем олиш йўлга қўйилган. Бунинг учун фирмага барча имкониятлар маъжуд. Шу билан бирга, танлов ҳайъати қарорига мувофиқ, яна уч нафар тадбиркорга 3,5 миллион сўмдан пул муқофоти, 25 нафар ишбилармонга эса «Ипак йўли» банкнинг 100 минг сўмлик акциялари берилди.

Биз бундан кейин ҳам жумхуриятимиз тадбиркорларининг кўрик-танловини мунтазам равишда ўтказиб бораемиз. Мақсадиимиз эса аниқ: ишбилармонларни маъжуд ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали улар ўртасида рабобатни қучайтириш, меҳнатга бўлган иштиёқни ошириш, пировардида эса халқимиз фаровонлигини таъминлашдир.

Сўхбатни «Халқ сўзи» мухбири Б. ОСТАНАҚУЛОВ эанб олди.

Миннатдорчилик мактуби

ДИЛИНГ ҲАМ ОРОМ ОЛАДИ

Биз пойтахтимидаги Семашко номили йилим текшириш ва саломатлиқни текшираш илмоғида даволашувчилар бу ердаги барча шариотдан хурсандимиз. Саломатлик масканининг М. Алишова, Р. Маҳмадова, Д. Тўлагунова, М. Ғулмонова сингари ҳамкорларидан тортиб Э. Юсуббеова сингари фаррошларигача ширинсу-

ТОЗАЛИК—САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

НАМАНГАН вилоятида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин шунга қарамай айрим юкмулк касалликларнинг олдини олишда сўстасликка йўл қўйилмоқда. Бу йилнинг биринчи чоррағида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ошқоно, ўткир ичак ва қизамиш касалликларини кўпайгани шундан далолат бериб турибди. Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йилгиликда ана шу масала муҳокама қилинди.

ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Тошкент Давлат университетига пойтахт олий ўқув юрталари қасаба уюшма фаолларининг навобатдаги семинари бўлди. У ТошДУ қасаба уюшмаси қўмитасининг иш тажрибаси мавзусида ўтказилди. — Бундай семинар Халқ таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмасининг Тошкент шаҳар қўмитаси ташаббуси билан аввал ҳам икки марта ўтказилган эди, — дейди ТошДУ қасаба уюшма қўмитасининг раиси Алишер Мўминов. — Бундай йиллардан мақсад бозор иқтисоди шариотига ҳодимларининг брдамга йитқини қишлоқ иқтисодида ўзаро иш тажрибаи алмашиш қўзда тутилган. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтгани истардикки, аввалги йилнинг

ларимида биз бир-биримиздан гоёвий жиҳатдан кўп нарсаларни ўргандик, шуларни ҳайётга татбиқ этишга ҳаракат қилганимиз. ТошДУ бош бийосида ўтказилган олий ўқув юрталари қасаба уюшмалари фаолларининг навобатдаги йилнинг ҳам аниқ мулоқофот остида ўтди. Унда қасаба уюшмаларининг айна кундаги вазифаларини олий ўқув юрталарининг ходимлари ва талабаларини ижтимоий ҳимоялаш борасида бир қатор фикр-мулоҳазалар, таклиф ҳамда голлар ўртага ташланди. Шунингдек, ТошДУ бош бийосида пойтахт олий ўқув юрталари қасаба уюшма фаолларига мулкланган услубий иш юритиш хонаси очилди. Р. ӨРМУҲАММАД.

А. МАДАТОВ.

Болалигим Қоржонтов этакларидан қишлоқлардан бирда ўтган. Қишлоғимизда сойликлар кўп бўлгани учунми, номим ҳам ўнга монанд. — Соғлиқ. Ҳар йили баҳор тоғқиллари қишлоқ аҳлига катта ташвиш келтирарди. Сел кўприклар ва йўллари бузар, иморатларни лойқага ботиради, экинзорларни лойқон қилар, ҳатто азият тошқин сув ичадиган Хон ариғи, Зах ариқлари ҳам лойқага тўлиди. Ўзининг ўзгартириб юборғувчи эди. Билмадим, ўрмончи бўлиш истагим менда, балки ўша кучли селу тошқинлар фалокатларини ўз кўзим билан кўриб, мурғак қалбим билан ҳис қилган болалик чоғимда пайдо бўлгандир. Ўрмончи-муҳандис дипломинини олгач, илк орзуларим рўёбга чиқди. Ушунда устозим, Чирчиқ ўрмон хўжалиги директори Ҳидой Носиров бошчилигида Соғлиқ тепасидаги ён бағрларга кўлаб мевағи ҳамда манзарали дархат кўчатлари ўтказилди. Бу боғлар ривожланган сари сел хавфи ҳам камайиб борди.



водийсида 1600 мартдан ортиқ, Тошкент воҳисида 275, Зарафшон дарёси ҳавзасида 275 марта сув тошқини юз берган. Бу худудларда ҳозир ҳам сел хавфи мавжуд.

Кейинги йилларда тоғли туманларда жарликлар пайдо бўлиши ва ўшии тезлашмоқда. Жарликлар эмгир таъсирда йил давомида 5—13 метр, энига 1,2 метргача ҳатто ундан кўпроқ ҳам кенгайиши мумкин. Жарликларда бир йилда ўртача 766 куб метр тупроқ ювилади. Булар асосан Тошкент,

ўрмон билан қопланган жойларда юз бермаганлиги ёнида.

Йядоқ тоғларда жала ёғиши ва кўп миқдорда қор эриши оқибатида тупроқ кўчиб, сув йўлини тўсиб қўяди. Бу эса пастдаги шаҳар ва қишлоқларга, экинзори боғ-роғларга жиддий хавф солади. Ўрмон билан қопланган тоғ ён бағрларида эса бундай ҳолатлар юз бермайди. Чунки, у ерлардаги дархат-ў, буталар ерни кўчи хавфидан асраб, сувларнинг ер остига шимялиб кетишига хизмат қилади.

олиш мумкин. Дархатларнинг кўп йил янашсини ҳисобга олсак, уларга кетган харажат теъдда ўзини қоплайди, энг муҳими сел тошқинидан қўриладиган заҳарнинг олди олинад. Қолаверса, дархатлар сел йўлини тўсишдан ташқари, турли хил мевағлар, соф ҳаво, тоза сув нинчом этади.

Тоғолди қияликларидан бурғой ва бошқа бошоқчи экинлар экиш, беда ўстириш одат тусига кириб қолган. Бундай жойларда деҳқончилик қилишда ерни қияликлар бўйлаб ҳайдамаслик керак. Чунки бундай қилинганда тупроқ ювилиши кучайиб кетади. Ер кўндаллаганда ҳайдалганда эса тупроқ ювилиши 2 баробар камайди, ҳосилдорлик 2—2,5 центнерга ошад.


Ҳақиқат, оғат билан курашадиган унинг олдини олган минг бор афзал. Шу билан ҳам тоғ ёнбағирлари, сойлар ва қияликлар, дарё атрофларини кўкамлаштириш, дов-дархатлар экиш ишлари сел мавсуми тугагандан сўнг ҳам тўхтаб қолмаслиги лозим. Бу борада бугун амалга ошириладиган ишлар беш-олти йилдан сўнг ўз самарасини беришини ҳисобга олсак, ушбу тадбирларни нajsалга солиш ёки юзакни бажариш сел оқибатларини бартараф этиш ишларини шунчалик сусайтириш билан баробардир.

Гани РАФИҚОВ,  
«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий  
авиакомпаниясининг бош директори

# ҚАЛБЛАРНИ ТУТАШТИРГАН МОВИЙ КЎПРИК

Бугун Ўзбекистон жамоатчилиги республика фуқаро авиациясининг 70 йиллигини нишонламоқда. Зотан, бу тантаналар ҳар бир кишига у ёки бу томонлама дахлдор. Ҳақиқатда авиаторлар хизматидан баҳраманд бўлмаган бирор одам топиладмас керак. Ҳеч бўлмаганда ҳаво йўллари орқали ташилган олин-қоватлару газета-журналлар кириб бормаса хонадон борми, ахир?

...Ўзбекистонда бундан ро-са 70 йил олдин, 1924 йил 12 майда биринчи авиапассажирлар рўйхатдан ўтказилган ва улар Тошкент — Пишпек—Алмати маршрути бўйича парвозга чиққан эди. Бу тарихий парвозни эслаш билан бирга фуқаро авиациясининг биринчи учувчисини ҳам ёдга олиш жоиз. У Виктор Львович Галишев бўлган. Дастлабки парвоздан бир ҳафта ўтгач, Бухоро—Хива оралиғида иккинчи ҳаво йўли очилган. Сўнгра Бухоро—Душанбе йўналиши пайдо бўлган. Уша замонада анча оғрули ҳисобланган «Добролета» Ҳўрта Осие бошқармаси самолёт паркида «Юнкерс-13» маркали ўнта самолёт мавжуд бўлиб, уларга йигирма нафар учувчи ва бортмеханиклар жалб қилинган эди.



туширган қирувчи-учувчи Николай Плушонский ва СССР ҳарбий ҳаво кучлари орасида биринчилардан бўлиб фашист авиациясининг фахри бўлган «Фокке-вульф-190» самолётларидан учатгани ҳақида йўн қилган Ваким Султоновларнинг номини алоҳида кайд этиш ўринли. Шунингдек Владимир Дронов жанда душманнинг 11 самолётини йўқотган бўлса, Иван Наконечный, Александр Музика, Василий Гуменько, Абдусамат Тайметов тич ҳаёт кўйида ҳам фидокорона меҳнат қилиб, ватаннинг юксак муқофотларига сазовор бўлишди. Абдусамат Тайметовнинг номи кўчликка таниш. Ҳа мақтабидан қарийб 70 га яқин шоғирд таъйёрлаган жасур учувчи урушининг биринчи кунлариданоқ фронтга йўл олган эди. Айнан у фашистлар Германиясининг сўзсиз таслим бўлиши ҳақидаги ҳужжатларни Берлиндан Москвага олаб келган.

Урушдан кейин республикамиз самолёт ва вертолёт паридари соин узлуksиз кўраиб борди, энг сўнгги нусхадаги «кумуш қанотли қушлар» осмонийда парвоз қилди. Шунга қарийлиш керакки, Тошкентда бутун дунёга машҳур «ИЛ-76» ва истиқболли порлок «ИЛ-114» маркали самолётлар ишлаб чиқарилмоқда. Чалов номли авиация ишлаб чиқарини бирламиси билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг ҳамкорлиги ҳам яхши натижалар бермоқда. Ҳозир бу ерда бизнинг йўлларимизда хизмат қилаётган «ИЛ-62», «ИЛ-76» самолётлари малакали таъмирланмоқда.

Ўз шонли тарихини энди-гина бошлаган ёш мамлакатимизда авиация ривожланиши учун барча чоралар қўриладиган. Республик Президентининг дастлабки фармонларидан бири «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясини тўзиш ҳақида бўлганлиги ҳам бежиз эмас. Шахсан

Президент И. А. Каримовнинг ўзи бу соҳа тарқиқитига жиддий эътибор бермоқда. Бинобарин, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясини бугун Осиедаги йирик ташкилотлардан бирига айланди. Ҳозир бизнинг самолётларимиз дунёнинг ўн тўрт мамлакатига доимий равишда қатнамоқда, Скандинавиядан Австралиягача бўлган бепоевн худудда қатновни йўлга қўйиб, мамлакатлар ва халқлар ўртасида сиёсий, иқтисодий, дипломатик ҳамкорликни йўлга қўйишда хайри ишларни амалга оширмоқда.

Айни пайтда ҳам Ўзбекистон миллий авиакомпанияси ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли удаламоқда. Утган йилнинг ўзига биз 1409,7 минг йўловчи ва 15,3 минг тонна юкларни белгиланган маъзиларга етказиб қўйдик, бундан 16,5 миллиард сўм фойда олдик. Халқаро рейслар уч баравар кўپайди. Баъзан ҳозирги ахволин таҳлил қилган кишилар билгилар нархининг юқори-лигига эътироз билдиришлари мумкин. Бунга зоҳр бериб шуни қайд этиш керакки, ички йўналишларда нархларни энг кам миқдорда сақлаб туришга интилоқдамиз. Аслида бундай парвозлар зарар келтирмоқда. Албатта, кўрсатилган гамхўрлик ва замонавий техникаларни ўзлаштириш тўғрисида бундай муаммолар ҳам бартараф этилади. Ҳар ҳолда компаниясининг чет эллик «миқозлари кўпаймоқда. Ҳаққаро йўналишларда қан-қанайда йўловчилар соини ортти бораётган. Булар ички қатновларни барнорлаштириш имконини беради. Албатта, учини давомидо йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражаси ва ҳодимларимизнинг маданият масаласини ҳам жаҳон талаблари даражасига кўтариш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Эътироф этиш керакки, ҳаттоки касалларда хизмат қилиш ҳам бугунги талаблар даражасидан орқада қолган. Эндиликда автоматлашган ва компьютерлашган ускуналарни жорий қилишга дадил киришилди.

Албатта, жаҳон талаблари даражасига чиқиш ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда амалга оширилади. Президентимизнинг яқинда Францияда давлат таширифи давомида «Томсон работ» фирмаси билан алоқалар ўрнатилди. Шунингдек Тошкент аэропортини тубдан таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Унда юқори даражали меҳмонларни қўлиб олиш ва кузатишга мўсааллаштирилган алоҳида бино барпо этилди. Бу ишларнинг ҳаммаси Халқаро фуқаро авиациясини ташиқитига аъло бўлган Ўзбекистон давлати учун олатдаги тадбирлар ҳолос.

Мустанқил давлатнинг муҳим бойликларидан бири—ҳаво йўлларида қатнов ва юк ташини жамиятимиз билан ҳамқандак равишда ривожланиб бораверади.

# СЕЛ

Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон кўмитаси раиси  
Абдушукур ХОНАЗАРОВ,  
ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДАН ҚЎРА, УНИНГ ОЛДИНИ  
ОЛИШ МИНГ БОРА АФЗАЛ

Аваллари, Оқтоғ тоғларига зинаор, усунда турли дархат ва буталар экиш одат тусига ташланди. Бироқ бу йилларда дархатзорлар барпо этиш яна давом эттирилди.

Халқимиз ўт ва сув билан сиқилган асра, деб бежиз айтмайди. Тусатдан юз берадиган қор инқала оғат, халқ кўндалига катта зарар етказди. Шу билан ҳам уларнинг оқибатини бартараф этишга миллионлаб маблаг, ипчи кучи сарфлагандан қўра, фалокатнинг олдини олиш анча арзонга тушади.

Бу йил ҳам республикамизнинг айрим тоғ олди худудларидо сел тошқинлари бўлиб, анча ташвишлар ортирди. Республикда ҳукумати ва маҳаллий ҳокимият ортиқларни тошқиндан зарар кўрашларга яқиндан ёрдам бериб келаяпти.

Дастлабки сел ҳодисалари, асосан, жала тарзда ёққан ёмғирдан сўнг, ўрмонсиз тоғлардан оқиб ташадиган тупроқлардан содир бўлади. Қўкамлашган ипик ёмғирлар тоғдаги қор қатламларини эритгач, сув миқдори бир неча баробар кўпайиб кетади.

Селнинг тезлиги баъзида секундида 25-30 метр, ҳажми секундида 95 кубметр, сел оқиндиларининг ҳажми эса 100 минг кубни ташкил этади.

Республикамизнинг денгиз сатҳидан 1000 метргача бўлган баландликларидо йилгача ўрта ҳисобда 85-95 кун, 1000-2000 метр юқори жойларидо эса 115-120 кун ёғингарчилик бўлади. Тадқиқотлардан маълум бўлишича тоғларимиздаги йиллик ёғин миқдори қишда 30,6 фоиз, кўкламда 47,4 фоиз, ёзда 14,3 фоиз, кузда 17,7 фоизни ташкил этади. Сел, асосан, апрель (22 фоиз), май (30 фоиз), июнь (18 фоиз) ойларидо содир бўлади.

Сел кўпроқ тезда парчаланадиган тоғ жинслари билан қопланган ҳамда эррозия учраган сойларда тез-тез юз беради. Республикамиз тоғларининг 7,3 фоизини баланд (2300—3000 метр)дан юқори, 24,9 фоиз ўртача (1400—3000 м) ҳамда 64,1 фоиз (1300—1400 м) паст тоғларининг. Тоғларнинг 29,3 фоизининг иштибои 10°дан юқориликта эътибор бериб, бу жойларда сел қандай тезлик билан пастга интилшини тасаввур этиш қийин эмас.

Кейинги даврда Фаргона

Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларининг тоғолди худудларида содир бўлади.

Ўзбекистон тоғларида йилгача ўртача ҳар гектар майдонда 525 тонна тупроқ ювилади. Бу кўрсаткич Озарбайжон, Арманистон ва Гуржистон тоғларидаги тупроқ ювилиши кўрсаткичларидан анча юқори.

Сел хавфи олдини олишини бирдан бир самарали воситаси тоғ ёнбағирларида, жарликлар, сойлар атрофида, дарё узанларида ипик массивлар барпо этиш эканлиги қадимдан маълум. Ота-боболаримиз сўй бўйларига тегагу тош, олча, дуллага наъматакни беронга эмаганлар.

Сел дархат ва буталар сувни тозалоб, қирғоқларни эмирлишдан сақлаб турган. Олимларнинг ҳулосасига кўра, ўрмон билан қопланган сойларда сув лойқаланши сойларда 13—15 баробар кам бўлар экан. Чунки, бир ёмғир таъсиридо ўрмонсиз сойларда 228 тонна куб километр лойқа ювилади, ўрмонли сойларда бу рақам 8,8 тонна куб километрдан ошмайди.

1969 йили ҳам ёғингарчилик кўп бўлганлиги сабабли сел ҳодисалари халқ кўндалига жиддий зарар етказганди. Аммо, бу фожиялар

Сел хавфига қарши биологик усулда курашиш дунёда тан олинган энг самарали усуллар.

Италия, Франция, Австрия, Хитой, Ирон, Туркия, Жазаир, Ҳиндистон ва Покистонда селга қарши курашиш аввало сув йўлларига дов-дархатлар экиш, тоғ ёнбағирларида ипик массивлар барпо этишдан бошланади.

Афсуски, бизнинг тоғларини мида ипик массивлар жуда кам. Масалан, арчазорлар 200 минг гектарни, ёнғорзорлар 11 минг гектарни, пистазорлар 27 минг гектарни, бутазорлар 130 минг гектарни ташкил этади, холос.

Ҳозирги энг асосий вазилаф — тупроқ эррозиясини, ер кўчиши ва селга қарши курашиш. Бунинг учун қишарида таъкидлаб ўтганимиздек, тоғ зоналарида ипик массивлар барпо этишини жадаллаштириш зарур. Тоғ ёнбағирларида, қияликлар ва сойликларда табиий иқлим шароитига мос келадиган дархат ва буталарни зинаор усулида ўтказиш лозим. Албатта, экиндан дархатлар бирдангина ўз самарасини беролмайди. Улар яхши парваришланади, қўриқилса, 3—4 йилдан сўнггина кутилган натижани

кўтариб юборди. Айниқса, А. Икромов номли 394-сон «Ором» болалар боғчаси тарбияланувчиларининг чиқинчи йиғилганлар кўнглига хўш ёқди. Бундан ташқари бўлуsи тибобет ҳодимлари хизматда бўлдилар, ҳамда ўзининг дилрабо қўшиқ ва рақслари билан йиғилганлар кўнглини хушчуд эттишти.

Тадбир якунида шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Қ. Риъзов ва шаҳар Саломатлик марказининг сел шифокори М. Ғофуровлар бир қатор уруш фахрийлариго Тошкент шаҳри ҳокимининг фахрий ёрликларини топширди.

Аслидин САТТОВОВ.

Суратда: байрам тантанасидан лавҳа.

## ФАХРИЙЛАРГА ЭЪТИРОМ

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармасининг шаҳар саломатлик маркази Ғалабаини 49 йиллигини зўр тантана билан нишонлади. Тадбирга Собир Раҳимов туманидаги Уруш ва меҳнат фахрийлари тақдир қилинди. Байрам тантанасида шифокорларнинг халқимиз саломатлигини таъминлаш борасида олиб бораётган ибратли ишлари ҳусусида ҳам сўз юритилди.

Байрам дастурхонини турли хил ноз-неъматлару ширинликлар билан салқин ичимликлар билан безатилган. Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамрокулов, Олимжон Орифжонов, Нуриддин Ҳайдаров каби хушовоз хона-



далар қўшиқлари, кулгу устаси Ҳожибой Тожибоевнинг ичак узди ҳангомаларини фахрийларнинг кайфиятини

**ЎЗБЕКISTON**  
**МАДАНИЙ**  
**ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**  
**М. Р. ГЛИЭР НОМЛИ**  
**УРТА МАХСУС**  
**МУСИҚА**  
**МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ**  
**ЯНТАВ (1994 — 1995)**  
**УҚУВ ИЛИ УЧУН**  
**ҚУНИДАГИ**  
**МУТАХАССИСЛИКЛАР**  
**БҒИЧА**  
**УҚУВЧИЛАРНИ**  
**ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

1-синфга ёши еттига тўлган бўлими, хор дирижёрлиги ва хор артистлари синфи.

Аризалар шу йил 6 майдан 1 июнгача қабул қилинади.

**КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:** вилоят болалари учун—4 июнда; Тошкент шаҳри болалари учун—5 июнда.

Маслаҳат жорийтаси 5 майдан 3 июнгача мунтазам фаолит кўрсатади.

Вилоят болалари турар жой ва иссиқ оғат билан таъминланади.

Савол ва мулоҳазалар учун телефонлар 46-03-24, 46-99-79, 46-99-77.

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ:** Тошкент шаҳар, 700095, Саидова кўчаси, 4-уй.

**ТРАНСПОРТЛАР:** 12-маршрут такси, 4, 20-троллейбуслар ва 10, 28, 34, 78, 87-автобусларнинг талабалар шаҳарчаси бекати.

**МУАССАСА**  
**РАҲБАРЛИГИ.**

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLTA VA**  
**URTA MAKSUS TABLIM VAZIRLIGI**  
**ABU RAJKON BERUNII NOMIDAGI TOSHKENT**  
**DAVLAT TEXNIKA UNIVERSITETI**  
**UNIVERSITET KOШИДА TASHKIL ETILGAN**  
**MILLIIY LIJEEY-INTERNATGA 1994-1995**  
**UQUV INILI UCHUN**  
**UQUVCHILAR QABUL QILADI**

Миллий лицей-интернатнинг 9-синфлари учун Тошкент шаҳри ва республика вилоят ҳокимиятлари йўналимаси билан юборилган иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади. 10—11-синфларнинг бўш қолган ўринларига 9 ва 10-синфларни аъло баҳолар билан битирган иқтидорли ўқувчилардан қўшимча таллаб олинади.

Миллий лицей-интернат ўқувчилари бепул тўрт маҳал иссиқ оғат ва ётоқхона билан таъминланади.

Лицейда машғулотлар техника университетини кафедралари ва лабораторияларнинг профессор ва ўқитувчилари томонидан олиб борилади. Унда асосий эътибор математика, физика, информатика, инглиз тили, Ўзбекистон тарихи ва маданий мероси каби фанларни ўргатишга қаратилди.

## УЛУГБЕК ҲАЙКАЛИ

Қарши шаҳридаги Улугбек номи урта мактаб ҳовлисида машҳур бобоми Муҳаммад Тарағай Улугбек сиймоси ўз аксини топган ҳайкал ўрнатилди.

Иқтидорли ҳайкалтарош Бахтиёр Анваров яратган ҳайкал Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан мактаб ўқувчиларига соғат қўйилди.

**Г. ПУЛТОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ, ЮТҚАЗМАЙСИЗ!

1. Андижон шаҳар К. Яшин кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган бино. Бино икки қаватли бўлиб, девори тўлиқ пишиқ гишдан. Бино қурилиши 1983 йилда бошланган.  
*Дастлабки баҳоси - 208 млн. сўм-купон.*
2. Хўжаобод тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли «Меҳмонхона». Бу меҳмонхона икки қаватли бўлиб, туман марказида жойлашган, замонавий усулда қурилган. Атрофи хушманзара, салқин.  
*Дастлабки баҳоси - 20 млн. сўм-купон.*
3. Хўжаобод тумани С. Раҳимов жамоа хўжалиги таркибидоги «Чойхона» / ноновхона билан/. Бу чойхона туманининг Дўстлик қишлоғида жойлашган, бир қаватли, девори пишиқ гишдан, ер майдони 215 м² бўлиб, соябоғ дархатлари мавжуд. Чойхона Андижон-Ўш катта автомагистрал йўли бўйида жойлашган.  
*Дастлабки баҳоси - 1 млн. сўм-купон.*
4. Асака шаҳар Фарғона кўчасида жойлашган «Ямбол» ресторани /ойноҳонаси билан/. Бир қаватли, пишиқ гишдан қурилган. Умумий майдони 3565 м², бино майдони 1303 м², замонавий электр асбоблари билан жиҳозланган, кўркам.  
*Дастлабки баҳоси - 132 млн. сўм-купон.*
5. Бўз шаҳарнинг марказида жойлашган 140 ўринли «Бўстон» ресторани. Объектининг умумий майдони 4680 м², бир эгаллаб турган майдон эса 2670 м². Ресторан атрофи гулзор ва дархатзорлардан иборат. Андижон-Тошкент автомагистрал йўли бўйида жойлашган.  
*Дастлабки баҳоси - 80 млн. сўм-купон.*
6. Қўрғонтепа туманининг маркази ва Андижон-Хонобод-Ойим йўли бўйида жойлашган «Ешлик» қўраҳонаси 1 қаватли, замонавий усулда қурилган. Умумий ер майдони 1824 м² бўлиб, пишиқ гишт, бетон, темир қарказдан иборат, иккита хонаси ва битта катта зали бор.  
*Дастлабки баҳоси - 86 млн. сўм-купон.*
7. Шаҳрихон тумани марказида 1977 йил ишга туширилган «Мустақил» қўраҳонаси. Бир қаватли, девори пишиқ гишдан, 72 ўринли катта ва кичик залдан иборат бўлиб, қўшимча салқин таомлар цехи, қандолат цехи, маҳсулотлар-сақланадиган омборхона ва шу каби 14 та ёрдамчи хона мавжуд. Газлаштирилган.  
*Дастлабки баҳоси - 150 млн. сўм-купон.*
8. Булоқбоши тумани марказида жойлашган «Булоқбоши оқшони» ресторани. Биноси миллий услубда қурилган бўлиб, майдони 915 м², ҳовлиси эса 200 м². Атрофи ҳар хил мевағли дархатзорлардан иборат. Замонавий электр асбоблари билан жиҳозланган.  
*Дастлабки баҳоси - 110 млн. сўм-купон.*
9. Балиқчи тумани Олимбек жамоа хўжалиги марказида жойлашган 2 қаватли чойхона комплекси. Ёзги кинотеатр, бир ярим гектар боғи ва аттракцион ўйингоҳга эга.  
*Дастлабки баҳоси - 40 млн. сўм-купон.*
10. Балиқчи тумани умумий овқатланиш ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Балиқчи тоғи» чойхонаси. Чойхона туман марказида жойлашган, икки қаватли, миллий услубда қурилган. Майдони 650 м² бўлиб, 160 ўринга эга.  
*Дастлабки баҳоси - 100 млн. сўм-купон.*
11. Балиқчи тумани Чинобод посёлкаси марказидаги 2 қаватли 140 ўринли «Чинобод» ресторани. Деворлари пишиқ гишдан, замонавий услубда қурилган бўлиб, электр асбоблари билан жиҳозланган. Майдони 370 м² га эга.  
*Дастлабки баҳоси - 68 млн. сўм-купон.*

**«КИМ ОШИДИ» САВДОСИНИ ЎТКАЗУВЧИ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАНИНГ**  
**МАНЗИЛИ:**  
Андижон шаҳри, А. Навоий шох кўчаси, 126 уй.  
Телефон: /37422/ 5-04-74, 5-25-67.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиет билим юрти 14 май ва 25 май кунлари соғат 9.00 да абитуриентлар учун «ОЧИҚ ЭШИКЛАР» кунини ўтказди.

**Бизнинг манзилгоҳимиз:**  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Чилонзор кўчаси 1 кв., 9 уй.  
Автобуслар: 2, 94, 34, 77.50.  
Троллейбуслар: 6, 11.  
Трамвайлар: 4, 9 «Чилонзор» бекати.  
Метронинг «Хамза» бекати.

Ўқишга кирувчиларнинг ҳужжатлари 1994 йилнинг 2 майдан бошлаб 15 июнгача қабул қилинади.

**ҚАБУЛ УЧУН ҚУНИДАГИ ҲҲЖАТЛАРНИ ТОП-ШИРИШ ЛОЗИМ:**

1. Миллий лицей-интернат директори номига арна;
2. ҳокимият ёки РайОЮдан лицейга йўналма;
3. 8-10 синфни битирганлик тўғрисида табел;
4. 9-синфни битирганлик тўғрисида гувоҳнома;
- (10 ва 11-синфга кирувчилар учун);
5. мактабдан тасвифнома;
6. туғилганлик тўғрисида гувоҳнома;
7. турар жойидан маълумотнома;
8. соғлиғи ҳақидаги маълумотнома (086 форма);
9. 6 та сурат (3х4, бош кийимсиз).

Миллий лицей-интернат ўқувчиси сағиға физика, математика, фанлардан ўтказилган сўхбат натижаларига қараб қабул қилинади. Сўхбат олдиндан кирувчилар учун бир ҳафталик маслаҳат дарслари ўтказилди.

Миллий лицей-интернатга кирувчиларнинг ҳужжат ва аризалари қўйидаги манзилгоҳда қабул қилинади:  
Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Талабалар шаҳри, 53-ётоқхона (талабалар ҳокимияти ёнида). ТопТДУ, миллий лицей-интернат. Телефонлар: 46-81-И, 46-28-35. ТДТУ ресторани.

Тошкент Давлат Техника университети «ПТЭС» кафедраси жамоаси доцент С. Д. Ғабдузарова акалари.  
**ТУХТАМОРД** аванинг  
бевақт вафот этганлиги сабабли чуқур таъзия изаҳор қилдилад.

«Ўзбекистузм» Миллий компанияси меҳнат жамоаси Миллий компания девони ташкилий ишлар ва ҳодимлар бошқармаси бошлиғи Эргаш Саминжоновга волидан мухтарамаси  
**Шароф САМИЖОНОВ**нинг  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия биндиради.

